

Ўзбекистон Республикаси номидан

Ҳ У К М

2024 йил май ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, Раислик қилувчи: судья О.Хасанов, М.Абдуллаеванинг котиблигида, давлат айбловчиси Бешариқ туман прокурори ёрдамчиси Б.Буриев, судланувчи Ғ.Хасанов ва унинг ҳимоячиси О.Мўминов, жабрланувчи Х.Қосимовларнинг иштирокида, Хасанов Ғолибхўжа Муродхўжаевични айблаш ҳақидаги 1-1506-2401/93-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Хасанов Ғолибхўжа Муродхўжаевич (Хасанов Ғ'olibxo'ja Murodho'jaevich), 1984 йил 09 майда Бешариқ туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, Бешариқ тумани, “Янги Қашқар” м.ф.й., Мевазор кўчаси, 46-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 30.03.2024 йил куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, атрофлича муҳокама қилиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувини эшитиб, прокурор ва ҳимоячининг музокара, судланувчининг музокара ва охириги сўзларини тинглаб, муҳокама қилиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Ғ.Хасанов 2024 йил 31 январь куни спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст бўлгани ҳолда соат 19-50 ларда Бешариқ тумани, “Янги Қашқар” м.ф.й. ҳудудида жойлашган жамоат жойи ҳисобланган савдо дўконида спиртли ичимлик истеъмол қилиб турганида Бешариқ туман ИИБ ХПБ ТП профилактика инспектори капитан Х.Қосимов жамоат хавфсизлигини, фуқаролар осойишталигини таъминлаш мақсадида бориб, хизмат вазифасини юзасидан жамоат жойида спиртли ичимликлар истеъмол қилмаслик ҳақида огоҳлантириб, маъмурий баённома расмийлаштиришини айтганида ИИБ ходимининг қонуний талабларига бўйсунмай, унга фаол қаршилик қилиб, Х.Қосимовни бурун соҳасига бир маротаба уриб, жабрланувчига соғликни йигирма бир кундан ортиқ, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатга бузилишига олиб келган “ўрта оғир” тан жароҳати етказгани аниқланди.



Суд-тиббий экспертизанинг 2024 йил 05 февралдаги 487-сонли хулосасида, Х.Қосимовда бурун суякларини ёпиқ синиши, нафас олиш фаолиятини бузилиши билан чап кўз пастки қовоғида қонталаши аниқланиб, бу соғлиқни йигирма бир кундан ортиқ, аммо тўрт ойдан кўп бўлмаган муддатга бузилишига сабаб бўлган “ўрта оғир” тан жароҳатлари тоифасига кириши кўрсатилган.

Судланувчи Ғ.Хасанов судда, айбига тўлиқ иқроп бўлиб, 2024 йил 31 январь куни у тоғаси билан тушлик вақтида спиртли ичимлик истеъмол қилиб маст бўлиб қолгани ва соат 19-00 ларда такси автомашинасида яшаш уйига келаётиб, “Янги Қашқар” м.ф.й. марказида тушиб қолгани, у маҳалла марказида жойлашган синфдоши З.Қўзиёвнинг савдо дўконига кириб ўша ерда пиво ичиб ўтирганида туман ИИБ ходими Х.Қосимов савдо дўконига кириб келиб, спиртли ичимлик ичиб ўтиргани учун унга нисатан маъмурий баённома расмийлаштиришмоқчи бўлганида унга фақатгина пиво ичиб ўтирганини айтгани, Х.Қосимов уни туман ИИБ биносига олиб боришини айтиб қўлидан тортганида у ўзи билмаган ҳолда қўли билан Х.Қосимовни юз қисмига уриб юборгани, шунда Х.Қосимов уяли алоқа телефони ёки рациясидан шерикларини чақиргани ва улар етиб келганидан сўнг уни автомашинага солиб, туман тиббиёт бирлашмасида жойлашган хушёрхонага олиб бориб жойлаштиргани, шундан кейин у ўзига келиб туман ИИБ биносига борганида дадаси туман ИИБ биносидан чиқиб келиб, унга танбех бериб уни олиб кетганлигини, уни Х.Қосимовга нисбатан шахсий адовати ва тан жароҳати етказиш нияти бўлмагани, ҳозирда у содир этган жиноий қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганини, икки нафар вояга етмаган фарзандининг ва ҳомиладор турмуш ўртоғининг ягона боқувчи эканини, кекса ёшдаги ота-онаси ҳам унинг қарамоғида эканини, жабрланувчи Х.Қосимов ва унинг оила аъзоларидан кечирим сўраганини айтиб, қонуний енгиллик беришни сўраб кўрсатма берди.

Жабрланувчи Х.Қосимов судда, 2020 йилдан буён Бешариқ тумани ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспектори лавозимида ишлашини, туман ИИБ бошлиғининг буйруғи билан унга тумандаги “Янги Қашқар” м.ф.й. худуди бириктирилгани, 2024 йил 31 январь куни 19-50 ларда Бешариқ тумани, “Янги Қашқар” м.ф.й. худудида тунги хизмат олиб бориш учун профилактика инспектори Х.Юсупов билан бирга жамоат тартибини ва аҳоли тинчлигини сақлаш мақсадида хизмат қилаётганида Қашқар қишлоғида яшовчи З.Қўзиёвга тегишли савдо дўкони олдида бир нечта фуқаролар тўпланиб турганини, фуқаролар спиртли ичимлик истеъмол қилаётганини кўриб боргани ва савдо дўкони ичкарасига киргани, у дўкон ичида Н.Усмонов, И.Сиддиқов ва Ғ.Хасановларни спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўтирганини кўриб, уларни жамоат жойида спиртли ичимликлар истеъмол қилмасликка чақириб огоҳлантиргани, Ғ.Хасановни шахсига ойдинлик киритмоқчи бўлиб, уни қаерда яшашини ва бошқа шахсига оид маълумотларни сўраганида Ғ.Хасанов ўзини таништириб, унга маъмурий баённома тузмасликни, фақатгина пиво ичиб ўтирганини айтгани, у



Ғ.Хасановга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирмоқчи бўлиб турганида Ғ.Хасанов кутилмаганда орқа томондан келиб уни бурун соҳасига бир маротаба уриб юборгани ва уларни ўша ерда бўлган фуқаролар ажратиб қўйгани, Ғ.Хасанов уни турли хил уятли сўзлар билан ҳақоратлагани, у дўкон ташқарисига чиққанида тунги навбатчиликдаги шериги Х.Юсупов ёнига келиб, Ғ.Хасановни тинчлантиришга урингани, лекин Ғ.Хасанов тинчланмасдан бақир-чақир қилавергани ва улар Ғ.Хасановни ўзлари билан бирга Бешариқ туман тиббиёт бирлашмасига олиб кетгани, у шифохонага бориб шифокорга учрашганида бурун соҳасида жароҳат борлигини айтгани, ҳозирда судланувчи Ғ.Хасанов ва унинг оила аъзолари ундан кечирим сўрагани, Ғ.Хасановнинг икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, турмуш ўртоғи ҳомиладорлигини, нафақа ёшидаги ота-онаси борлигини инobatга олиб кечиргани, унинг соғлигига етказилган зарар бўйича келгусида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик судига мурожаат қилишини айтиб кўрсатма берди.

Гувоҳ Х.Юсупов судда, у Бешариқ тумани ИИБ ЖХХ ХПБ профилактика инспектори лавозимида ишлашини, 2024 йил 31 январь куни тунги навбатчиликдаги шериги Х.Қосимов билан бирга соат 19-50 ларда одатдагидек Бешариқ тумани “Янги Қашқар” м.ф.й. ҳудудида тунги хизматни бошлаб, жамоат тартибини, аҳоли тинчлигини сақлаш мақсадида Қашқар қишлоғида яшовчи З.Қўзиевга тегишли бўлган савдо дўкони олдида бир нечта фуқаролар тўпланиб турганини кўргани ва шериги Х.Қосимов билан у ерда нима бўлаётганини билиш мақсадида автомашинадан тушиб, фуқароларнинг олдида боргани, улар ўша ердаги фуқароларга тушунтириш ишларини олиб бориб, савдо маркази олдида тарқатиб юборгани, Х.Қосимов З.Қўзиевнинг савдо дўкони ичкарасида 3-4 нафар фуқаролар спиртли ичимликлар истеъмол қилаётганини кўриб дўконга киргани, у эса ташқарида қолгани, бироздан сўнг дўкон ичкарасида шовқин овози эшитилгани учун кирганида Ғ.Хасанов шериги Х.Қосимовни бурун соҳасига бир маротаба мушти билан урганлиги учун бурни қонаб турганини ва Х.Қосимовни ҳақорат қилаётганини кўриб уни тинчлантиришга ҳаракат қилгани, лекин Ғ.Хасанов тинчланмасдан бақир-чақир қилавергани, шундан сўнг Ғ.Хасановни жамоат жойида спиртли ичимлик ичгани юзасидан Бешариқ туман тиббиёт бирлашмасига олиб боргани, шифокорлар Х.Қосимовга тиббий ёрдам кўрсатиб, уни соҳасида жароҳати борлигини айтганини билдирди.

Гувоҳ З.Қўзиев судда, у Бешариқ тумани, Янги Қашқар м.ф.й.да марказида жойлашган савдо дўконида сотувчи бўлиб ишлашини, 2024 йил 31 январь куни соат 19-50 ларда савдо дўконга синфдоши Ғ.Хасанов қўлида иккита 0,5 хажмли “Туборк” пиво кўтариб киргани, бироздан сўнг синфдоши Н.Усмонов ва қўшниси И.Сиддиқовлар ҳам дўконга кириб келгани, у улар билан ўзаро сухбатлашиб турганида туман ИИБ профилактика инспектори Х.Қосимов келгани ва Ғ.Хасанов маст ҳолда пиво ичиб турганини кўриб, уни жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилмаслик бўйича огоҳлантириб, унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирмоқчи бўлганида улар



ўзаро тортишиб кетгани, шу вақтда Ғ.Хасанов Х.Қосимовни бурун соҳасига мушти билан уриб юборгани ва Х.Қосимовни бурни қонаб кетгани, у шериклари билан уларни ажратиб қўйгани, Х.Қосимов ИИБ ходимларини ёрдамга чақиргани ва ИИБ ходимлари келиб Ғ.Хасановни олиб кетганини билдирди.

Судланувчи Ғ.Хасановнинг жиноий қилмиши унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб берган кўрсатмасидан ташқари, судда сўралган жабрланувчи Х.Қосимов, гувоҳ З.Қўзиев ва Х.Юсуповларнинг юқорида қайд қилинган кўрсатувлари, шунингдек, билдирги, ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фотосуратлар (и.в.4-12), суд-тиббий экспертизасининг 2024 йил 05 февралдаги 536-сонли хулосаси (и.в.17-19), дастлабки тушунтириш хатлари, тиббий маълумотнома, ренген қоғози нусхаси, тиббиёт бирлашмасининг қабул дафтари ва криминал дафтари нусхалари (и.в.29-41), хизмат текшируви хулосалари (и.в.45-57), суд-биологик экспертизасининг 23.02.2024 йилдаги 14-сонли хулосаси (и.в. 102-107), суд-тиббий криминалистик экспертизасининг 26.02.2024 йилдаги 9-сонли хулосаси (и.в.111-114), ишга алоқадор шахсларни сўроқ баённомалари ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан ҳам ўз тасдиғини топди.

Судланувчи Ғ.Хасановнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган.

Чунки, судланувчи Ғ.Хасанов 2024 йил 31 январь куни соат 21:00 ларда маст ҳолатда Бешариқ туман ИИБ ҚПБ ТП профилактика инспектори Х.Қосимов жамоат хавфсизлигини, фуқаролар осойишталигини таъминлаш мақсадида Бешариқ тумани, “Янги Қашқар” м.ф.й. ҳудудида жойлашган смавдо дўконига бориб, хизмат вазифасини бажараётганида маст ҳолатда бўлган Ғ.Хасанов унинг қонуний талабига бўйсунмай фаол қаршилик қилиб, Х.Қосимовни бурун соҳасига уриб, унга “ўрта оғир” тан жароҳати етказиб, қасдан жиноят содир этган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль кунги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 1-бандида “жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилиш керак” деб, 3-бандида “ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деб ҳамда 5-бандида “судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деб тушинтириш берилган.



Суд, юқоридагилар ва Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленуми қарорлари талабларига амал қилиб, судланувчи Ғ.Хасановга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб айбига тўлиқ иқрорлигини ва жиноий қилмишидан чин кўнгиладан пушаймонлигини, шахсини, муқаддам судланмаганини, оилавий шароитини, қарамоғида қарилик нафақасида бўлган ота-онаси ва 2 нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, ҳозирга кунда аёли ҳомиладор эканини, жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб жиноятни мастлик ҳолатида содир этганини, шунингдек, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилишини ҳамда жабрланувчининг денгиллик бериши ҳақидаги талабини инобатга олиб, ЖКнинг махсус қисми моддаси санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Хасанов Ғолибхўжа Муродхўжаевич (Хасанов Ғ'olibxo'ja Murodho'jaevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Ғ.Хасановга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг йигирма фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Жазони жазони ижро этувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати Ғ.Хасанов жазони ўташ учун юборилган қорхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Бешариқ туман ИИО Пробация гуруҳи инспекцияси зиммасига юклатилсин.

Ғ.Хасановга нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин ва гаров сифатида қўйилиб, Фарғона вилоят прокуратурасининг “Ипотекабанк”даги 20203000600446441001-сонли депозит ҳисоб-рақамида сақланаётган 6.800.000 сўм гаров пули гаров қўювчи Хасанов Ғолибхўжа Муродхўжаевичга қайтарилсин.

Жабрланувчи Х.Қосимовга жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларни ундириш бўйича келгусида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Жиноят иши бўйича ашёвий далил тариқасида Бешариқ туман ИИБ ходими Х.Қосимовдан олинган бир дона енги узун хизмат кийими қонуний эгасига қайтарилсин ҳамда ашёвий далил деб этироф этилган ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга иловалар, олиб қўйиш ва кўздан



кечириш қарор ҳамда баённомалар, экспертиза хулосалари жиноят ишига қўшилгани инобатга олинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Фарғона вилоят судининг апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг эса кассация инстанцияси судлов ҳайъатига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидир.

Ҳукм нусхаси аслига тўғри.

Жиноят ишлари бўйича
Бешариқ туман судининг раиси

О.Хасанов

